ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ФОРИШ ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**
**ҚАРОРИ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
FORISH TUMANI
**HOKIMI**
**QARORI**

«14» сентябрь 2019 йил 4396 - сон Боғдон шаҳарчаси

**Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4407-сон ҳамда Жиззах вилоят хокимининг 2019 йил 28 августдаги «Вилоят иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 314-сонли қарорлари (Жиззах ҳақиқати газетаси, 2019 йил., 7 сентябрь, 72-сон) ижросини таъминлаш, шунингдек туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4407-сон ва вилоят хокимининг 2019 йил 28 августдаги 314-сонли қарорлари рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани барқарор ишлашга тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика тармоғининг барқарор фаолият кўрсатиши;

кўп квартирали турар-жой фондини барқарор ишлашга, аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлашга тайёрлаш;

ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш;

б) 0,03 км ичимлик сув қувури, 321,36 км газ қувури ва 1189,5 км электр тармокларини, шунингдек, 296 дона трансформатор подстанцияларини капитал таъмирлашни ўз ичига оладиган асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

в) 30 км ичимлик сув қувури, 1189,5 км электр тармокларн, шунингдек, 233 дона трансформатор подстанциясини жорий таъмирлашни ўз ичига оладиган асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

г) 64 та мактаб, 13 та болалар боғчаси, 1 та мусиқа ва санъат мактаби, 12 та согликни сақлаш муассасалари ва амбулатор-поликлиника муассасаларини жорий таъмирлашни ўз ичига оладиган ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

д) 21 та кўп квартирали уйларда 16,9 минг кв.м том қисмини, 56 дона кириш жойларини, шу жумладан ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларни таъмирлаш, шунингдек, 9 дона темир эшиклар ўрнатиш, 21 та уйларнинг фасад қисмларини, ирригация тизимларини, ёритиш нуқталарини таъмирлаш, ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш, 4 та болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, кўп квартирали уйларга туташ 56 та кириш йўлкаларни бетонлашни ўз ичига оладиган кўп квартирали турар-жой фондини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

е) иқтисодиёт тармоқлари учун 3470 минг тонна хажмда, шу жумладан аҳоли учун 400 тонна, бюджет соҳаси ташкилотлари учун 3070 тонна кўмир маҳсулотлари ғамлашни ўз ичига оладиган 2019/2020 йиллар куз-қиш даврига кўмир маҳсулотлари ғамлаш параметрлари 6-иловага мувофиқ;

ж) аҳолига 404,8 тонна хажмда суюлтирилган газ етказиб беришни ўз ичига оладиган 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида суюлтирилган газ етказиб бериш параметрлари 7-иловага мувофиқ;

з) туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси (кейинги ўринларда- Туман комиссияси) таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман комиссияси раиси ўринбосарлари ва комиссия аъзолари:

а) бир ой муддатда туман иқтисодиёти тармоқларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида коммунал соҳа ташкилотлари, кўп квартирали уйлар, таълим муассасалари, согликни сақлаш муассасалари ва бошка ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида жойлардаги ишларнинг холати танқидий ўрганиб чиқилишини;

б) ўрганиш натижалари бўйича:

тумандаги корхона ва ташкилотлар билан ушбу қарор асосида тасдикланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдикланиши, шунингдек туман иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулият юклансин.

5. Туман комиссияси раиси ўринбосарлари:

тумандаги ижтимоий соҳа объектларини, кўп квартирали уйларни бўлажак куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни, маҳаллий автомобиль йўллари, кўчалар ва умумий фойдаланиладиган жойлар, сув қувури ва канализация тармокларининг маҳаллалар ҳудудларининг санитария ҳолати талабларига мувофиқ тартибга келтирилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари ғамланишини жойларга чиқиб, шахсан ўз назоратига олсин;

назорат натижалари бўйича объектларни куз-қиш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, тегишли туман корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсин.

6. Туман электр таъминоти корхонаси АЖ (И.Норбеков), 2-туманлараро газ таъминоти участкаси (Ж.Холдоров) куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика ресурслари, электр энергияси етказиб бериш, трансформатор подстанцияларини таъмирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш учун жойларга чиқиб, аҳоли билан шахсан учрашувлар ўтказсин.

7. «Жиззахнефтбаза» УК туман бўлими (Д.Атабеков), туман электр таъминоти корхонаси АЖ (И.Норбеков), 2-туманлараро газ таъминоти участкаси (Ж.Холдоров), «Самарқанд бирлашган ёқилғи омбори» Фориш туман бўлими (У.Алибеков) раҳбарлари асосий ёқилғи-энергетика ресурслари ва кўмир маҳсулотлари барча тоифадаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилиши бўйича тадбирлар сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Жиянов жойларга чиқиб ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига мувофиклигини таъминлаш ишларини ташкил этсин.

9. Туман ҳокимининг ўринбосари К.Каримов, Иқтисодиёт ва саноат бўлими бошлиғи Ж.Каримов билан биргаликда 2019 йил 1 октябргача бўлган муддатда:

2018/2019 йиллар қиш-баҳор даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлашда йўл қўйилган камчиликларни танқидий таҳлил қилиш асосида аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, туман бўйича 2019/2020 йиллар қиш-баҳор даври учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ғамлашнинг реал ҳажмларини белгилансин, бунда нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи қарам, гуруч ва дуккакли экинлар маҳсулотларини ғамлашга алоҳида эътибор қаратилсин;

ғамланиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини сақлашнинг зарур шароитларини таъминлаш ҳамда ғамлашнинг тўлиқлиги ва маҳсулотларнинг зарур тарзда сақланиши учун масъул шахсларни белгилаш бўйича аниқ таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

10. Туман Молия бўлими (А.Казаков) туман комиссиясининг хулосасига кўра зарурат мавжуд бўлган ҳудудларда иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўз вақтида молиялаштириш учун қўшимча захираларни топиш чораларини кўрсин.

11. Туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Амиров туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тизимли ахборот берилишини таъминласин.

Ушбу қарор бажарилишининг бориши ҳар чоракда Туман комиссияси йигилишларида танқидий кўриб чиқилсин.

12. «Фориш тонги» газетаси таҳририяти (Р.Каримов)га мазкур қарорни туман ҳокимлигининг forish.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштириш, газетада чоп этиш ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Туман ҳокимининг 2018 йил 18 августдаги «Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1563-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Амиров, К.Каримов, Ж.Жиянов ҳамда иқтисодиёт ва саноат бўлими бошлиғи Ж.Каримов зиммаларига юклансин.

15. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Туман ҳокими в. в. б** Х. Тўйчиев

UMUMIY BO'LIM
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI FORISH TUMANI HOKIMI

Туман ҳокимининг
2019 йил "__" ноябрдаги
"__"-сонли қарорига
8-илова

**Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси**

**ТАРКИБИ**

| | |
|---|---|
| 1. А. Мустанов | туман ҳокими, комиссия раиси |
| 2. Х. Тўйчиев | туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари |
| 3. Ф. Амиров | туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари |
| 4. К. Каримов | туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари |
| 5. Ж. Жиянов | туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари |
| 6. С. Эрхонов | туман уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси |
| 7. А. Эрханов | туман халқ таълими бўлими мудири |
| 8. А. Жаббарова | туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи |
| 9. М. Исломова | туман мактабгача таълим бўлими мудири |
| 10. А. Казаков | туман молия бўлими мудири |
| 11. Ж. Каримов | иқтисодиёт ва саноат бўлими бошлиги |
| 12. О. Эшбеков | туман ички ишлар бўлими бошлиги |

Туман ҳокимининг
2019 йил "__" ноябрдаги
"__"-сонли қарорига
1-илова

**Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида**
**барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

| т/р | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| | **I. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ташкилий тадбирлар.** | | |
| 1 | Аҳоли пунктлари, коммунал хўжалиги корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ижтимоий соҳа муассасаларида муқобил тармоқларини таъминлаш амалга оширган ҳолда 2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашини таъминлаш.<br>Аҳолини суюлтирилган газ (овқат тайёрлаш учун), кўмир (махсус қарорнинг 5-иловаси) ҳамда узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳолини мукобил ичимлик суви (танкер келтиришдаги суюқ ёқилғи ҳисобга) манбалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича (замона оширилаган ишлар,бажарилишига масъуллар, бажариш муддатларини аниқлаган ҳолда) чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва ижросини белгиланган муддатда амалга ошириш. | Уч кун мудатда | Тегишли корхона ва ташкилотлар |
| 2 | Ўтган почтни мавсумда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этилишини таъминлаган ҳолда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини ишончли электр энергияси, электр энергияси, табиий газ билан кафолатли таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | Уч кун мудатда | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, туман электр таъминоти корхонаси АЖ, 2-гуманлараро газ таъминоти участкаси |
| 3 | 2019/2020 йиллар куз-қиш даври учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган нефть, газ конденсати, нефт маҳсулотлари, суюлтирилган газ, кўмир ва кўмир брикети, туз ва бошқа юкларни узлуксиз ташиб етказиб берилишини бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | Уч кун мудатда | "Жиззахнефтбаза" УК Фориш туман бўлими, туман электр таъминоти корхонаси, 2-гуманлараро газ таъминоти участкаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4 | Аҳоли истеъмолчиларига оймо-ой суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича графиклар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Уч кун муддатда | 2-туманлараро газ таъминоти участкаси |
| 5 | Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича инфратузилмани ривожлантириш | | |
| 6 | Табиий газ билан кафолатли таъминланадиган ҳудудлардаги истеъмолчиларни табиий газ таъминотини яхшилаш ва манзилли ишлатиш учун суюлтирилган газ таъминотига ўтказилган ҳудудлардаги газ тармоклари ва газ тақсимлаш шахобчалари (ГТШ)ни кесиб олиш (демонтаж) бўйича туман хокимининг қарорини қабул қилиш. | Уч кун муддатда | 2-туманлараро газ таъминоти участкаси |
| 7 | Маиший газдан фойдаланиш жараёнида фавқулодда вазиятларни олдини олиш максадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижрога қаратиш. | Уч кун муддатда | 2-туманлараро газ таъминоти участкаси, туман ички ишлар бўлими |
| 8 | Кичик ирригация тармокларини тиклаш учун ўтказиладиган таъмирлаш ишлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бунда мавзелар ичидаги ички тармоклар ва кўча ҳамда проспектларни инобатга олиш. | Уч кун муддатда | Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 9 | 2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумининг кескин совуқ кунлари табиий газ истеъмоли кискартириладиган улгуржи истеъмолчилар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Уч кун муддатда | 2-туманлараро газ таъминоти участкаси |
| 10 | Куз-қиш мавсумида энергия истеъмолининг максимал кучланишли соатлари бўйича электр энергияси таъминотини баркарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | 2019 йил 5 октябргача | Туман электр таъминоти корхонаси АЖ |
| 11 | 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида электр ва табиий газ тармоғидан ўчирилмайдиган тоифаланган ва ўта мухим объектлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил 5 октябргача | Туман электр таъминоти корхонаси АЖ, 2-туманлараро газ таъминоти участкаси |
| 12 | Куз-қиш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини кўмир махсулотлари билан таъминлаш.<br>Аҳолини кўмир махсулотлари билан таъминлаш. | 2019 йил 15 октябрга қадар | "Самарқанд бирлашган ёқилғи омбори" Фориш туман бўлими |
| 13 | Ичимлик сув ва канализация тармокларини таъмирлаш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | Уч кун муддатда | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| **II. 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика комплексини барқарор ишлашини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар.** | | | |
| 14 | Газ етказиб бериш баланс кўрсаткичларини ҳисобга олиб улгуржи истеъмолчилар ва туман аҳолисига 2019 йил октябрь 2020 йил апрель ойлари бўйича ойма-ой келтирилган ҳолда табиий газ етказиб бериш жадвалларини ишлаб чиқиш. | 2019 йил 5 октябрга қадар | 2-туманлараро газ таъминоти участкаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 15 | Ҳудудлардаги электр тармокларини мукаммал таъмирланишини таъминлаш. | 2019 йил 15 октябрга қадар | Туман электр таъминоти корхонаси АЖ |
| 16 | Аҳолини кўмир брикети билан таъминлаш (мазкур қарорнинг 6-иловасига асосан). | 2019 йил 1 декабрга қадар | Тегишли туман корхона ва ташкилотлари, "Самарқанд бирлашган ёқилғи омбори" Фориш туман бўлими |
| 17 | Табиий газ танкислиги кутилаётган аҳоли пунктларининг тасдиқланган рўйхатига асосан мазкур аҳоли пунктларидаги истеъмолчиларнинг манзилли рўйхатига кўра оймо-ой суюлтирилган газ хажмларини ажратиш ва етказиб бериш. | 2019 йил 1 октябрдан 2020 йил 1 апрелга қадар | 2-туманлараро газ таъминоти участкаси |
| 18 | Ҳудудларда аҳолини суюлтирилган газ ва кўмир ёқилғиси билан таъминлаш масалаларини оммавий ахборот воситалари оркали ёритиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш. | Ҳар ойнинг 10 санасигача | "Фориш тонги" газетаси тахририяти |
| **III. 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида кўп хонадонли уй-жой фондини барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар.** | | | |
| 19 | Ҳудудлардаги ободонлаштириш бошқармаларига қарашли кўча ва йўлларда қиш мавсумида музлик бўлмаслигининг олдини олиш учун зарур бўладиган материал-техник ресурслар ва жиҳозлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | Уч кун муддатда | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 20 | Кўп хонадонли уй-жой фондини техник фойдаланиш меъёрлари ва кондаларига кўра уй-жой фондини техник соз холатда сақлаш:<br>кўп хонадонли уйлардаги қурилма ва жиҳозларнинг созлиги, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитар-техник кондаларига риоя қилиниши;<br>кўп каватли уй-жойларни мунтазам кўрикдан ўтказиш ва жорий таъмирлаш, носозликларни бартараф этиш ва уй ичидаги жиҳозлардаги содир бўлиши мумкин бўлган авариялари бартараф этиш бўйича ташкилий чораларни;<br>умумий йиғилишларда хар бир ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари рахбарларига баҳо бериш, кайта сайлаш ва уларни алмаштиришни амалга оширилиши;<br>ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари рансларининг ҳисоботини аҳоли ўртасида эшитиш тизимини жорий қилишни таъминлаш максадида:<br>махалла ва ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган дастурлари ижросини ташкил қилиш ва ишларни амалга оширишда хар бир ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бириктирилган участка позирлари, совик инспекторлари, санитария эпидемиология назорати маркази, бириктирилган ташкилот ва корхоналар, тижорат банклари масъулларининг иштирокини таъминлаш. | Тасдиқланган тармок жадвалига асосан | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, бириктирилган корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари рахбарлари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 21 | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хўжалиги ташкилотларининг авария тиклаш ва диспетчерлик хизмати моддий техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарурий тадбирларни ишлаб чиқиш. | Уч кун мудлатда | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 22 | Кўп хонадонли уйлар, бино ва иншоотларнинг ҳолатини ёнғин хавфсизлиги техник меъёрлари асосида кўриклан ўтказиш. | 2019 йил 15 октябрга кадар | Фориш туман Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тегишли туман ташкилотлари |
| 23 | Иссиклик энергияси олмайдиган кўп хонадонли уйларни аниклаш. Уларни иссиктак энергияси билан таъминлаш чораларин кўриш. | 2019 йил 1 октябрдан 2019 йил 1 ноябрга кадар | Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 24 | Тумандаги кўп хонадонли уй-жойларда таъмирлаш ишларини амалга оширин учун тижорат банкларининг максадли ва имтиёзли кредит маблагларини ажратиш чораларини кўриш. | 2019йил 20 октябрга кадар | Тижорат банклари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 25 | Кўп хонадонли уй-жойларнинг фасад кисмидаги таъмирлаш ишларини тугатиш. | 2019 йил 10 октябрга кадар | Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 26 | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг максадли ишлатилишини доимий мониторинг килиб бориш. | Тасдикланган режа-графикка асосан | Тижорат банклари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 27 | Хусусий уй-жой ширкатлари ва хомийларга кўп хонадонли уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблагларн хисобидан мотивлаштиришда биноларнинг эксплуатация килиш муддатлари ҳозирги меъёр ва кондаларга мос келишини таъминлаш. | 2019 йил 10 октябрга кадар | Тижорат банклари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| 28 | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан йўлакларни таъмирлаш, тротуарларни бетон коплама билан таъмирлаш, ертўла кисмини таъмирлаш, фасад кисмини таъмирлаш, ирригация тизимини таъмирлаш, уйларни ёритиш тизимини таъмирлаш. | 2019 йил 20 октябрга кадар | Тижорат банклари, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари |
| 29 | Кўп хонадонли уйларни киш даврида фойдаланиш учун режалаштирилган иш ҳажмларини бажариш, иссиклик тизимини изоляция килиш, уй-жойларда иссиклик таъминотининг сифатини яхшилаш чораларини амалга ошириш, ертўла ва том чордокларини текширишни ташкил килиш, мухандислик тармокларининг жойлашуви, иссиклик узатиш пункти, ертўла ва кириш эшикларининг ёпилишини таъминлаш. | 2019 йил 15 октябрга кадар | Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими |
| **IV. Аҳоли ва истеъмолчиларини иссиклик энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича амалга ошириладнган тадбирлар.** | | | |
| 30 | Ўз маблағлари ҳисобидан ичимлик сув тармокларини мукаммал, жорий таъмирлаш ишларини ташкиллаштириш. | 2019 йил 15 октябрга кадар | Жиззах "Сувокова" ДУК туман бўлими |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 31 | Ўз маблағлари ҳисобидан газ тармокларини мукаммал таъмирлаш, газ таксимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш. | 2019 йил 15 октябрга кадар | 2-тумандараро газ таъминоти участкаси |
| 32 | Электр тармокларини мукаммал таъмирлашни ташкил этиш, жорий таъмирлашни ташкил этиш, трансформатор подстанцияларини мукаммал ва жорий таъмирлашни ташкил этиш. | 2019 йил 15 октябрга кадар | Туман электр таъминоти корхонаси АЖ |
| **V. Ижтимоий соҳа объектларини куз-киш даврида барқарор ишлаши бўйича амалга ошириладнган тадбирлар.** | | | |
| 33 | Ижтимоий соҳа объектлардаги бино ва иншоотларда мухандислик тармоклари, шу жумладан ҳожатхоналарнинг санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бериши, кишлок жойлардаги ижтимоий тармокларни зарурий қурилиш материаллари (рубероид, битум, шифер, ойна ва бошка) билан корхоналарнинг смета ҳаражатларида белгиланган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш бўйича зарурий чоралар кўриш. | Тармок жадвалига асосан | Туман халк таълими, мактабгача таълим бўлимлари, туман тиббиёт бирлашмаси |
| 34 | Табиий газ етиб бориши кийин бўлган ҳудудлардаги ижтимоий соҳа объектларини кўмирга мослаштириш, бунда кўмирга мослаштириш, кўмир ёкилғиси билан таъминлашни мавзили дастурларни ишлаб чиқиш | 2019 йил 15 октябрга кадар | Туман халк таълими, мактабгача таълим ва молия бўлимлари, тиббиёт бирлашмаси, |
| 35 | Ижтимоий соҳа объектлари учун сертификатланган, талаб килинадиган иситиш козонлари билан таъминлаш чораларини кўриш. | 2019 йил 1 октябрдан бошлаб | Туман халк таълими, мактабгача таълим ва молия бўлими, тиббиёт бирлашмаси |
| 36 | Умумтаълим мактабларини, мактабгача таълим муассасалари, касалхоналар, амбулатор поликлиника, санъат мактабини жорий таъмирлаш, мактабларда таъмирлаш ишларини тугатиш. | 2019 йил 15 октябрга кадар | Туман Халк таълими бўлими мудири, туман тиббиёт бирлашмаси, мактабгача таълим бўлими, туман маданият бўлими |
| **VI. Тадбирларнинг амалга оширилиши мониторинги.** | | | |
| 37 | Иктисодиёт сохаларини 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши, тайёргарлик ишларининг боришини комиссиялар томонидан муҳокама килиш. | Ҳар 10 кунда | Туман комиссияси |
| 38 | Объектларни 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб чиқиш ва туман комиссиясига ахборотлар тақдим этиб бориш. | Ҳар 10 кунда | 2-тумандараро газ таъминоти участкаси, туман Ёнғин хавфсизлиги бўлими, тегишли туман корхона ва ташкилотлари |
| 39 | Мазкур чора-тадбир бандларида белгилаб берилган ҳар бир топшириклар бўйича тегишли туман ташкилотларининг масъул раҳбар ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотлар ва ахборотларни туман ҳокимлигига тақдим этилишини таъминлаш. | Ҳар 10 кунда | Назорати бўйича туман ҳокимлиги, ижроси юзасидан маъсул туман корхона ва ташкилотлари раҳбарлари |

Туман хокимининг
2019 йил «24» сентябрдаги
439-сонли қарорига
2-илова

**Асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш**
**ПАРАМЕТРЛАРИ**

| т/р | Ҳудуд номи | Ичимлик суви тармоқлари | | Газ тармоқлари (км) | | Электр тармоқлари (км) | | Трансформатор подстанцияси (дона) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | шундан мукаммал таъмирлаш | жами | шундан мукаммал таъмирлаш | жами | шундан мукаммал таъмирлаш | жами | шундан мукаммал таъмирлаш |
| 1. | Фориш | 30 | 0,03 | 321,36 | | 1 189,50 | 124,10 | 296 | 19 |

Туман хокимининг
2019 йил «24» сентябрдаги
439-сонли қарорига
3-илова

**Асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш**
**ПАРАМЕТРЛАРИ**

| т/р | Ҳудуд номи | Ичимлик суви тармоқлари (км) | | Газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш (дона) | | Электр тармоқлари (км) | | Трансформатор подстанцияси (дона) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | шундан жорий таъмирлаш | жами | шундан газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш | жами | шундан жорий таъмирлаш | жами | шундан жорий таъмирлаш |
| 1. | Фориш | 30 | 0,2 | 222 | 1189,5 | 963,5 | 963,5 | 296 | 233 |

Туман хокимининг
2019 йил «24» сентябрдаги
4396-сонли қарорига
5-илова

## Ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш
## ПАРАМЕТРЛАРИ

| т/р | Ҳудуд номи | Мукаммал таъмирлаш | | | | | | | | Жорий таъмирлаш | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Умумтаълим мактаблари (дона) | | Махсус мактаб-интернатлар (дона) | | Болалар боғчалари | | Касалхона ва амбулатор поликлиникалар | | Умумтаълим мактаблари (дона) | Мактаблардаги ойналарни алмаштириш | Махсус мактаб интернатлари "Барқамол авлод" маркази (дона) | Болалар боғчалари | Касалхона ва амбулатор поликлиникалар | Мусиқа ва санъат мактаби |
| | | жами | Шундан мукаммал таъмирлаш | жами | Шундан мукаммал таъмирлаш | жами | Шундан мукаммал таъмирлаш | жами | Шундан мукаммал таъмирлаш | | | | | | |
| 1. | Фориш | 64 | | | | 13 | | 17 | | 4 | | | 1 | 1 | |

Туман хокимининг
2019 йил «24» сентябрдаги
4396-сонли қарорига
5-илова

## Кўп квартирали тура-жой фондини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш
## ПАРАМЕТРЛАРИ

| Ҳудуд номи | Таъмирланиши лозим уйлар сони | Шу жумладан иш турлари кесимида | | | | | | | | | | Уй-жой ҳудуди даги ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш | Нокомунал қурилмаларни бузиш | Жами қурилган ва таъмирланадиган лифт мосламалари сони | шундан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Том қисмини таъмирлаш | Кириш йўлагини таъмирлаш ва жиҳозлаш | | Ички муҳандислик тармоқларини таъмирлаш ва жиҳозлаш | Уйларни фасад қисмини таъмирлаш | Жами қурилган ва таъмирланадиган болалар майдончаси сони | шундан | | Ирригация тизимини таъмирлаш | Тротуарларни бетон қоплама билан таъмирлаш | | | | Таъмирлаш (сони) | қурилиш |
| | | Майдони (минг м2) | Йўлаклар сони (дона) | Темир мосламаларни ўрнатиш (калит-қулф билан) (дона) | Ер тўла қисми (дона) | Уйлар сони (дона) | | Қурилиш (сони) | Таъмирлаш (сони) | Узунлиги (метр) | Майдони м2 | Ёритиш нуқталар сони | | | | |
| Фориш | 21 | 16,9 | 56 | 9 | | 20 | 4 | 4 | | | | | | | | |

Туман хокимининг
2019 йил «28» октябрдаги
4396-сонли қарорига
6-илова

## 2019/2020 йиллар куз-қиш даврига қўмир маҳсулотлари ғамлаш ПАРАМЕТРЛАРИ

| т/р | Ҳудуд номи | Қўмир (тонна) | | | | | | | | | | | | Ахоли жами | Шу жумладан | | 2019 йил октябр-декабр ойларидан 2020 йил январ-март ойларигача аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш (тн) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | Бюджет ташкилотлари | Шу жумладан | | Шу жумладан: | | | | | | | | | кўмир | Қўмир | |
| | | | | | | Мактабгача таълим | | Халқ таълими | | Соғлиқни сақлаш | | Касб-ҳунар | | | | | |
| | | | | Қўмир | Қўмир брикети | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Фориш | 3470 | 3070 | 789 | 2281 | 5 | 10 | 566 | 1614 | 43 | 152 | 175 | 505 | 400 | 300 | 100 | 404,8 |

Туман хокимининг
2019 йил «28» октябрдаги
4396-сонли қарорига
6-илова

## 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида суюлтирилган газ етказиб бериш ПАРАМЕТРЛАРИ

| т/р | Ҳудуд номи | 2019 йил октябр-декабр ойларидан 2020 йил январ-март ойларигача аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш (тн) | Иссиқлик таъминоти ташкилотлари учун печь ёқилғиси | Иссиқлик таъминоти ташкилотлари учун мазут ёқилғиси | Техник туз | ИОМС |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Фориш | 404,8 | | | | |